

# ШАРТНОМА № - ОТ/22- 3

« 14 » 01 2022-йил

Олтиариқ туман

«VODIY MAXSUS SANITAR TRANS» МЧЖ биринчи томондан филиал раҳбари Ш.Турдиев (кейинги матнларда «Бажарувчи» деб юритилади.) Рахмат мазмунини буйиши раҳбари А.Қалбоев (кейинги матнларда «Буюртмачи» деб юритилади) ушбу шартномани туздик.

## I. Шартноманинг мазмуни.

1. «Бажарувчи» ушбу шартномага асосан «Буюртмачи»га супурунди ва маиший ахлатлар, чиқиндиларни (қурилиш чиқиндиларидан ташқари) ташиб олиб чиқиб кетиш каби хизматларни бажариб беради. «Буюртмачи» ушбу шартнома бўйича «Бажарувчи» томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлайди.

## II. Хизматлар тури ва нархлар.

2.1 «Бажарувчи» ушбу шартномага асосан «Буюртмачи» топшириғига асосан қуйидаги ишларни бажариб беради.

№	Бажариладиган ишлар тури	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Чиқинди ташиш	м3	<u>324</u>	46000	<u>14 904 000</u>
Жами:			<u>324</u>	<u>46000</u>	<u>14904000</u>

2.2 Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати ойига Уш тўрт мишсон тўқсон юз тўрт мишсон сўмни ташкил этади.

## III. Бажарилган ишлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш.

2.3 «Буюртмачи» бажариладиган иш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.11.2018 йилдаги ПФ,5580-сонли Фармониغا асосан олдиндан 100 % миқдорида амалга оширади.

2.4 Маиший чиқиндиларни ташиш бўйича белгиланган тарифлар ўзгарган тақдирда ёки ташиб чиқиб кетиладиган маиший чиқиндиларни шартномада кўрсатилган миқдордан ортиб кетиши муносабати билан шартнома бўйича бажариладиган ишлар қиймати мутаносиб равишда ўзгариб боради.

2.5 Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар факт бўйича, яъни ҳақиқатда ташланган чиқинди миқдорини ҳисоблаш орқали амалга оширилганда, ой якуни бўйича олиб чиқиб кетилган чиқинди миқдори шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган жадвал ҳисоб-фактурада акс этади.

## IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари .

### 3.1. «Буюртмачи»:

- Хизматлар тури бўйича керакли ишларни бажаришни топширади;
- Ўз ҳудудида маиший чиқиндиларни олиб кетиш учун кирган транспорт воситаларини ҳаракатланишига, хизмат кўрсатишни таъминлашга етарли шароит яратиб беради;
- Бажариладиган ишларини назорат қилиб туриш учун ўз вакилини ажратади;
- Чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш юзасидан хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келган муаммолар бўйича «Бажарувчи»нинг диспетчерлик хизмати телефон рақами (+99895) 402-44-87 орқали мурожаат қилади;
- Кўрсатилган маиший чиқиндиларни ташиш хизмати бўйича тўловларни ўз вақтида ўтказиб беришни таъминлайди.

### 3.2. «Бажарувчи»:

- Ўзига топширилган маиший чиқиндиларни ташиш хизматини сифатли амалга оширилишини таъминлайди;
- Бажарилган ишлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириб тўлов учун тақдим этади;

- Шартномада кўрсатилган хизмат турларини ўзининг махсус транспорт воситалари ҳақида ишчилари орқали бажаради.

#### V. Бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

5.1 «Буюртмачи» бажарилган ишлар учун такдим этилган ҳисоб варақ фактураларига асосан тўловни «Бажарувчи» ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

#### VI. Томонларнинг жавобгарлиги.

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича зиммаларига олган мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектларининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган доирада жавобгар ҳисобланадилар.

#### VII. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

7.1 Ушбу шартнома бўйича барча низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади.

7.2 Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда келишмовчиликлар суд орқали ҳал қилинади.

#### VIII. Форс мажор ҳолатлари.

8. Шартнома тузилгандан сўнг табиий офатлар (ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин, эпидемия,) уруш, ҳукуматнинг норматив - ҳуқуқий ҳужжати, томонларнинг хохишидан қатъий назар бажара олмайдиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда шартноманинг вазифалари бажарилмаса икки тараф ҳам жавобгар бўлмайди. Агар ушбу ҳолат 3-ой давомида бартараф этилмаса ва тугаши аниқланмаса тарафлардан бирининг ташаббуси билан 10 кун олдин ёзма хабар юбориш йўли билан шартномани бекор қилишлари мумкин.

#### IX. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва шартномани бекор қилиш тартиби

9.1 Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳар иккала томоннинг ўзаро келишувига асосан амалга оширилади.

9.2 Шартномани бекор қилиш ҳар иккала томоннинг ўзаро келишуви билан ёки суд тартибида амалга оширилади. Шартномани бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди.

9.3 Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил «14» 01 дан «31» декабр 2022 йилгача.

9.4 Шартнома муддати тугагандан ёки келишмовчилик мавжуд бўлмаган ҳолатда шартнома ўзгартирилмаган ёки янги шартнома тузилмаса мазкур шартнома келгуси йилга якунига қадар муддати узайтирилган ҳисобланади.

#### X. Томонларнинг реквизитлари.

«Бажарувчи»:

«VODIY MAXSUS SANITAR TRANS»

МЧЖ

Манзил: Олтиариқ туман  
Ўзбекистон кўчаси 71-уй  
Х/р: 20208000200291916001  
МФО: 00991  
ИНН: 302870713  
Банк номи: Марғилон «Хамкор» банк  
ОКОНХ: 87320  
Тел: +99891-653-77-11

Филиал раҳбари




Ш. Турдиев

«Буюртмачи»:

Тошкент вилояти бўғиш  
Олтиариқ тумани  
Х/р 10002236030037092100075062  
МФО 00014 ИНН 100124664  
Шомаъ Ваҳидиёв Тоғмоғиллик  
Х/р 22402000300100061010  
МФО 00014 ИНН 201122919

Раҳбар:



Н. Қолбоев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

№ UQ77644608

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:**


Oltiariq tumani Xalq ta’limi bo’limi va “Vodiy Maxsus Sanitar Trans” mas’uliyati cheklangan jamiyati o’rtasida ishlab chiqilgan № OT/22-3-sonli shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Shartnoma loyihasi Oltiariq tumani Xalq ta’limi bo’limi va “Vodiy Maxsus Sanitar Trans” mas’uliyati cheklangan jamiyati o’rtasida ishlab chiqilgan va Oltiariq tumani yuridik xizmat ko’rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o’tkazish uchun 2022 yil 15-yanvar kuni kiritilgan.

**Huquqiy xulosa:** Shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonun talablariga muvofiq va uni tasdiqlab, ijroga qaratish mumkin.

**Oltiariq tumani yuridik xizmat  
ko’rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



**A.Parmonov**

**2022 yil 17-yanvar**